Куч — адолатда

2012 йил,
28 сентябрь,
жума
№ 38 (395)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

УСТОЗ ЗИЁСИДАН МУНАВВАР ОЛАМ

Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари айтган бу пурмаъно ҳикмат қалби эзгулик ва меҳрга тўла муаллимларнинг масъулиятли меҳнатига берилган юксак баҳодир. Улар туфайли ёш авлод илм-маърифатга ошно бўлиб улғаяди, келажакнинг ишончли ворисларига айланади.

Бу Ватанимизнинг тараққиёт йўлида, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсининг тобора юксалишида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилашда муҳим ўрин тутади. Шу боис юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Таълимда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар уни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш, янги, янада юқори поғонага олиб чиқиш билан бевосита боғлиқдир. Бу масъулиятли жараёнда эса, ўқитувчиларнинг касб малака ва маҳорати, билимини ошириш ғоят катта аҳамиятга эга. Шу боис таълим тизимининг барча бўғинларида олиб борилаётган ислоҳотларда мактабгача, умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим тизими педагог кадрларининг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, касбий маҳоратини янада ошириш долзарб масала доимий эътиборда.

Мана 16 йилдирки, мамлакатимизда 1 октябрь санаси — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётгани ҳам соҳага бўлган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир.

Юртимизда дунёнинг бошқа мамлакатларида камдан-кам учрайдиган ана шундай байрамнинг таъсис этилиши, ҳеч шубҳасиз, биринчи навбатда, маънавий юксалишнинг асосий сабабчиси бўлган зиёлиларимизга, уларнинг энг катта ва фаол қисмини ташкил этадиган минг-минглаб жонкуяр ўқитувчи ва муаллимлар, устозларнинг Ўзбекистонимизнинг бугунги тараққиётига қўшаётган улкан ҳиссасини эътироф этиб, уларга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизнинг амалий ифодаси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Маълумки, Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган, дунё тажрибасида ўхшаши кам бўлган миллий таълим модели ҳозирги кунда қандай юксак натижалар бераётганини нафақат юртимиз аҳли, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам ҳақли равишда эътироф этмоқда.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан 12 йиллик узлуксиз таълимга асос солинди. Унинг пойдевори бўлмиш умумтаълим мактаблари, ўғил-қизларимизга замонавий билим ва касб-ҳунар ўргатиб, ҳаётга йўлланма берадиган коллежлар, академик лицейларни ўзида мужассам этган янги тизим тўлиқ жорий этилгани ўзининг амалий самараси билан юртимиз равнақига беқиёс ҳисса қўшмоқда. Бу, ўз навбатида, биз танлаган таълим ва тарбия моделининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини яққол тасдиқлаб бермоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида «ўзбек модели» дея ном олган стратегик йўл ва энг устувор йўналишларга таянган ҳолда Конституциямиз, халқаро тамойиллар ва ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига мувофиқ, одил судловни ривожлантириш, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали таъминлашга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилиб, бу борадаги ҳуқуқий асослар такомиллаштириб келинмоқда.

Yangi qonun mohiyati

Одил судлов тамойиллари

такомиллашаётган қонунларда янада кенгроқ акс этмоқда

Айтиш керакки, жорий йилнинг 30-31 август кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган **«Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун ҳам суд ҳокимиятининг нуфузини янада ошириш, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни, жумладан, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш, жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқини судлар ваколатидан чиқариш ҳамда судда жиноят иши кўрилаётганда айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурорга юклаш каби муҳим масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилгандир. Ушбу қонун жорий йилнинг 19 сентябрь куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Олий судда учрашув

Мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчил давом эттирилмоқда. Халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани бу жараёнда муҳим аҳамият касб этаётир. Бу борада Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда.

Бугунги кунда изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар туфайли давлатларимиз ўртасида очиқлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатлар қарор топган ва бу алоқалар кундан-кунга янги амалий мазмун билан бойиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан шу йил 19-21 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлгани ва унинг натижалари ҳам шуни тасдиқлайди.

Ҳуқуқий соҳада ҳам мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш амалиёти ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Корея Республикаси Олий суди судьяси Ли Инбок билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам бу ҳақда алоҳида эътироф этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Суд буйруғи институти

амалда кутилган самарани бермоқда

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида суд ишларининг ошкоралигини таъминлаш ҳамда соддалаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибида иш юритиш ҳақидаги алоҳида 20^1-боб билан тўлдирилди. Бу суд буйруғи чиқариш йўли билан ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаларни тез ва қисқа муддатда, сансалорликсиз ҳал этиш имкониятини яратди. Суд буйруғи институтининг ўзига хослиги шундаки, Фуқаролик процессуал кодексининг 238^3-238^4-моддаларига риоя қилинган ҳолда тақдим қилинган аризалар бўйича судья судда ишни кўрмасдан буйруқ чиқаради.

(Давоми учинчи бетда)

Saboq

Маънавий зарар

уни қоплашга оид меъёрлар қонунларимизда аниқ белгилаб қўйилган

Маълумки, амалдаги қонунларимизда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 57-моддасида қайд этилганидек, ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади.

Таъкидлаш лозимки, соғлиққа шикаст етказилганлиги туфайли кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳажми ва хусусияти амалдаги қонунчиликда алоҳида қайд этилган.

Унга кўра, агар фуқаро майиб қилинганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромадлари), шунингдек, саломатлигига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатлари, шу жумладан, даволаниш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, протез қўйдириш, бировнинг парваришида бўлиш, санаторий-курортда даволаниш, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш, бошқа касбга тайёргарликдан ўтиш харажатлари, агар жабрланувчининг ана шу ёрдам ва парвариш турларига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, етказилган зарар зарар етказувчи томонидан тўлиқ қопланиши лозим.

(Давоми учинчи бетда)

Bag`rikenglik tamoyillari

Ярашув институти

инсонпарварликнинг амалдаги ифодаси

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, бу борада қонуний асосларни изчиллик билан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бугунги кунда суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида тўлиқ шаклланди. Зотан, суд тизимидаги ислоҳотларини чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шу жиҳатдан мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мустақил суд ҳокимиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Болалигимдаги бир манзара доим кўз олдимда туради: онам чойнак-пиёлаларни, сирли идишларни ювиш учун топса қум, топмаса, бир ҳовуч кул билан уларни обдон тозалардилар. Бу машаққатли юмуш анча вақт талаб этар, қайта-қайта тозаланмаса, идишлардаги доғлар кетмасди.

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Озодалик — оила кўрки

Дастурхон атрофига жамулжам бўлиб, оппоқ чойнак-пиёлаларда чой ичар эканмиз, онамнинг қизариб кетган қўлларига ачиниш билан қарардим...

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, маҳаллалар, кўчалар ва хонадонларда саранжом-саришталикни таъминлаш, оилаларда турмуш маданиятини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда кимё саноатининг жадал ривожланиши самарасида замонавий тозалаш воситалари ҳаётимизга кириб келди. Бугун олис қишлоқлардаги аҳоли ҳам маиший идишларни тозалашда шундай маҳсулотлардан кенг фойдаланмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Xabar

Олий судда учрашув

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Ш.Раҳманов мамлакатларимиз ўртасида нафақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлик ҳам тобора мустаҳкамланаётганини таъкидлади.

Ли Инбок самимий учрашув учун чуқур миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси суд-ҳуқуқ соҳасида Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

Корея Республикаси Олий судининг судьяси мамлакатимизда мазкур соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар кореялик ҳуқуқшунослар, хусусан, суд тизими вакиллари томонидан чуқур қизиқиш билан кузатиб борилаётганлигини билдириб, Ўзбекистон бу соҳада тарихан қисқа муддат давомида қўлга киритган ютуқлари билан минтақадаги давлатлардан ажралиб туришини эътироф этди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа ҳуқуқий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Тадбирда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳам иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Bag`rikenglik tamoyillari

Ярашув институти

инсонпарварликнинг амалдаги ифодаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жумладан, 2001 йилдан бошлаб жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштиришнинг самарали воситаси сифатида ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институти киритилди. Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб, жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берса, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда халқимизнинг бағрикенглик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Бугунги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда қисқа муддатда тарафлар ўртасидаги низо бартараф этилади ва ортиқча сарф-харажатнинг олди олинади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, «судланган» деган тамғадан халос бўлади.

2012 йилнинг биринчи ярми давомида жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судлари томонидан 189 нафар шахсга нисбатан 166 та жиноят иши томонларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 66[1]-моддаси қўлланган ҳолда ҳаракатдан тугатилди. Ярашув институти амалга жорий этилганидан буён эса, жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти туман ва шаҳар судлари томонидан 5804 нафар шахсга нисбатан 5126 жиноят иши тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган.

Шу ўринда бевосита миллатлар ва элатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик ҳисларини ифодалаш, ҳаётга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, Ватанидан рози бўлиб, умр бўйи бунёдкорлик руҳи билан яшайди. Бугун юртимизда замонавий таълим стандартлари асосида жиҳозланган 1 минг 539 академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшларга ўзлари танлаган йўналиш ва соҳа сирлари ўргатилмоқда. Юқори касб маҳорати ва тажрибага эга муҳандис-педагогларнинг таълим жараёнига жалб қилингани, уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилаётгани, «корхона-коллеж» ҳамкорлиги доирасида назарий ва амалий машғулотларнинг узвийлик касб этгани таълим самарадорлигини янада оширмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз олий таълим тизими бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартга ўтказилди, олий ўқув юртлари сони салкам икки баробарга кўпайди. Бугун юртимизда Халқаро Вестминстр университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ институти, В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети каби нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият юритмоқда. Ёшларимизнинг икки ёки уч тилни билиши, ана шундай ўқув даргоҳларида таълим олиши одатий ҳолга айланди.

Бугун таълим муассасаларида барпо этилган моддий-техник базани янги ва замонавий мазмун билан узлуксиз бойитиб бориш — долзарб масала. Зеро, XXI асрда таълим ахборот-коммуникация технологиялари ва масофали таълим асосида ривожланмоқда. Бу эса, инновацион жараёнда фаол иштирок этишни тақозо этаётир. Шу боис аввало ўқитувчини илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан унумли фойдаланадиган ижодкор устоз даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Ўз фани бўйича ўзига хос тажриба мактабини яратган, ҳар бир дарсни ўқувчилар ёшига мос, қизиқарли ва ҳаётий мисоллар ҳамда турли кўргазмали воситалар билан ўтаётган илғор педагоглар меҳнати туфайли юртимиз таълим тизими, ўқувчиларнинг билим даражаси юксалмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, замонавий қиёфага эга бўлган обод қишлоқ ва шаҳарларни барпо этиш мумкин, иқтисодиёт локомотивлари бўлган йирик корхоналарни қуриш, хориждан юксак ва ноёб технологияларни олиб келиш мумкин. Лекин аввало буларнинг барчасини бунёд этадиган, уларга бамисоли жон киритадиган ҳаётбахш куч — бу ўз билими ва истеъдодига, куч-қудратига суянган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, бугун ҳаётга дадил кириб бораётган янги, навқирон авлодимиз, бизнинг фарзандларимиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ана шундай авлодни тарбиялашдек ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган буюк вазифани ўз зиммасига олган, бу йўлда ўзини аямасдан меҳнат қилаётган, фидойи ўқитувчи ва мураббийларга ҳар қанча тасанно айтсак, таъзим қилсак, арзийди.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни!

Устоз зиёсидан мунаввар олам



Qonun ko`magi

Шартнома интизоми

унга қатъий риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

Хилма-хил мулк шаклларига асосланган мамлакатимиз иқтисодий тизимида шартномавий муносабатлар ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боис бу шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларига қонунчилигимизда кенг ўрин берилган.

1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги қонунда хўжалик шартномаларининг тузилиши ва бажарилиши ҳамда мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёхуд лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланди.

Айтиш керакки, шартномаларни тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш борасида адлия идоралари томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш жараёнларида бевосита иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Бахмал туманидаги «Доникул Холиқов» фермер хўжалиги раҳбари Д.Холиқов фермер хўжалиги томонидан топширилган дон маҳсулоти ҳақини «Жиззахдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятидан ундириб олишда амалий ёрдам сўраб вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Ушбу мурожаат бошқарма ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилиб, фермер хўжалиги фойдасига жавобгар ҳисобидан 1 миллион 112 минг сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.



Шунингдек, Жиззах туманидаги «Заминдор» фермер хўжалиги раҳбари Ф.Маматқулова фермер хўжалиги томонидан етказиб берилган пахта хомашёсининг 10 фоизлик пул маблағини пахта тозалаш корхонасидан ундириб олишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб билан мурожаат қилди. Бу ҳолатда ҳам вилоят хўжалик судига киритилган даъво аризаси қаноатлантирилиб, фермер хўжалиги фойдасига жавобгар ҳисобидан 2 миллион 771 минг 700 сўм асосий қарз ва 207 минг 887 сўм жарима ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Хулоса қилиб айтганда, шартнома томонларнинг, айниқса, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилаётир. Шу ўринда шартномада иштирок этаётган томонларнинг ҳар иккаласи ҳам шартнома интизомига тўлиқ риоя этиши ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишини таъкидлаш ўринли. Бу ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳолининг манфаатларига мос шароитни яратишга замин яратади.

А.ШАЙЖИГИТОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Mulohaza

Фуқаролар

Маълумки, истиқлолнинг ўтган даврида юртимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида, энг аввало, халқимиз учун муносиб турмуш тарзини яратиш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш каби улуғвор мақсадлар мужассамдир. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳуқуқий-демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун, биринчи навбатда, унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилиниши керак.

Шу маънода фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларидан бири бўлган мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш, бу тамойилга путур етказилган ҳолларда зарур чораларни кўриш ҳамда жабрланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш суд-ҳуқуқ идораларининг олдида турган долзарб вазифалардан бири саналади. Кези келганда шуни айтиш керакки, мамлакатимизда мулк ҳуқуқи дахлсизлиги тўлиқ кафолатланган. Жумладан, Конституциямизнинг 53-моддасида барча мулк шаклларининг тенглиги, давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган.

Гарчи, ўзига тегишли бўлмаган мулкни ноқонуний равишда тасарруф этиш бировнинг ҳақига хиёнат қилиш билан баробар бўлса-да, айрим кимсалар нафс илинжида шундай нопок ишга қўл уришдан ҳам тоймайди. Энг ёмони, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бозор ислоҳотларининг барқарор амалга оширилишига жиддий хавф туғдиради, хусусий мулкчиликнинг, бошқа турдаги мулкий муносабатларнинг шаклланишига, қонуний тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар орасида ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш тариқасидаги жиноят ўзига хос ўрин тутади. Ушбу жиноятга қўл ураётган кимса ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилади, бу эса, ўз навбатида, кишилар ўртасида ўзаро ишонч асосида қуриладиган муносабатларга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда бевосита мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, Зуҳра Ҳакимова (исм-фамилиялар шартли) ўзганинг мулкини талон-тарож қилганлиги ва фирибгарлик жинояти содир этганлиги учун муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган. Фақат амнистия актига асосан жазодан озод этилган эди. Таассуфки, у ўзига кўрсатилган бу бағрикенглик ва кечиримлиликдан тўғри хулоса чиқариб олмади, аксинча, тағин жиноий қилмишга қўл урди.

Гап шундаки, у шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шериги билан тил бириктириб, Феруза Омоновага ўғли Асрор Аҳмадовни Наманган Давлат университетига ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилади. Фирибгарларнинг ёлғон гапларига ишонган Ф.Омонова нотўғри йўлга қадам қўяётгани, яъни З.Ҳакимова ва унинг шериги ўғлининг ўқишга кириши учун ҳеч қандай ёрдам беролмаслигини мулоҳаза ҳам қилиб кўрмай, фирибгарларга 2.430.300 сўм пулни санаб беради.

Табиийки, З.Ҳакимова ва унинг жиноий шериги пулни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишади, Ф.Омоновага берилган ваъданинг амалга ошмаслиги эса, аввалдан маълум эди.

Yangi qonun mohiyati

Одил судлов тамойиллари

такомиллашаётган қонунларда янада кенгроқ акс этмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур янги қонун билан амалдаги **«Прокуратура тўғрисида»**ги қонуннинг 28-моддасига, **«Судлар тўғрисида»**ги қонуннинг 37-моддасига ҳамда Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларининг тегишли моддаларига қуйидаги учта йўналишда муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчиси, ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни лавозимидан четлаштириш, тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатлари судларга ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Шу боис фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида мамлакатимизда шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурлов чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқи босқичма-босқич судларга ўтказилмоқда. Хусусан, 2008 йил 1 январдан эътиборан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилган эди.

Фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали таъминлашга қаратилган ислоҳотлар давом эттирилиб, юқорида номи қайд этилган қонунга кўра, эндиликда лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида эмас, балки айнан судьянинг санкцияси асосида амалга оширилиши, иккинчидан, санкция беришга фақат судья ваколатли эканлиги белгиланди.

Умуман олганда, лавозимдан четлаштириш жиноят процессида қўлланиладиган процессуал мажбурлов чораларидан бири бўлиб, у айбланувчига, судланувчига нисбатан, агар улар ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёхуд жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, қўлланилади.

Шу ўринда хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, Францияда айнан лавозимдан четлаштиришга ўхшаш чора судьянинг ташаббуси билан, шунингдек, айбловчининг таклифи ёки манфаатдор иштирокчиларнинг илтимосномаси билан суд томонидан қўлланилади. АҚШ, Германия қонунчилигида ҳам айбланаётган шахс судьянинг қарори билан шартли равишда вақтинчалик лавозимидан четлаштирилиши мумкин.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш жиноят процессида қўлланиладиган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита чекловчи процессуал мажбурлов чораларидан бири бўлганлиги учун ҳам суднинг санкцияси билан қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Шу боис янги қонунга кўра, эндиликда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш ваколати ҳам судларга ўтказилди.

Мазкур масалага оид хорижий давлатларнинг қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, Германия, АҚШ ва Францияда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш прокурорнинг мурожаати ёки илтимосномаси бўйича суд томонидан қўлланилади.

Айтиш жоизки, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради.

Иккинчиси, ушбу янги қонун билан жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқи судлар ваколатидан чиқарилди. Бу эса, авваламбор, суднинг холислигини таъминлашга, энг муҳими, судларни олий мақсади бўлган — одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайдиган вазифадан халос бўлишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ушбу янги қонун қабул қилингунга қадар амалдаги Жиноят-процессуал кодексида белгиланган меъёрларга кўра, суд ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурор билан бир қаторда жиноят аломатлари топилган, жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда ўз ваколати доирасида жиноят ишини қўзғатиши ҳақида ажрим чиқарар, шунингдек, судья маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишни юритишда ёки фуқаровий ишни ёхуд бошқа жиноятга доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаган ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарар ва ишни дастлабки терговни юритиш учун прокурорга юборар эди.

Шу ўринда статистик маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича республика судлари томонидан 2009 йилда 145 та, 2010 йилда 123 та жиноят иши қўзғатилган. Шунингдек, республика хўжалик судлари томонидан 2008 йилда жиноят иши қўзғатиш тўғрисида чиқарилган хусусий ажримлар сони 47 тани, 2009 йилда 42 тани, 2010 йилда 32 тани ташкил этган.

Таъкидлаш керакки, жиноят ишини қўзғатиш аввало, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жиноий таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса, шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади.

Хорижий давлатларда, хусусан, Германия Жиноят процессуал кодексининг 170-моддасига кўра, жиноят иши прокурор томонидан қўзғатилади ва тегишли судга юборилади. Беларусь Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 175-моддасига кўра, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят иши қўзғатиш ваколатига эга.

Шу маънода ушбу янги қонун билан процессуал қонунчиликда суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқаришни назарда тутадиган норманинг белгиланганлиги *биринчидан,* суднинг мустақиллигини, ишни кўришда холислиги ва адолатли қарор қабул қилишини, пировардида одил судлов тамойилларини янда ривожланишини; *иккинчидан,* судьяларни суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайдиган жиноий таъқиб билан боғлиқ ваколатдан халос бўлишини; *учинчидан,* судни жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасидан чиқарилишини таъминлайди.

Учинчиси, ушбу янги қонун билан судда жиноят иши кўрилаётганда айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти прокурорга юклатилди. Шу билан бирга судга ҳукмнинг фақат қарор қисмини эълон қилиш ҳуқуқи берилди.

Айтиш керакки, ушбу янги қонун қабул қилингунга қадар Жиноят-процесуал кодексида давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд терговида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган эди. Қолаверса, Жиноят-процесуал кодексининг 439-моддасида суд тергови айблов хулосасини ўқиб эшиттиришдан бошланади, деган умумий ва мавҳум меъёр белгиланганлиги боис айблов хулосасини кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттириш каби номувофиқ амалиёт шаклланган эди. Бу эса, суднинг мақсад ва вазифасига мутлақо мос келмасди, шунингдек, жиноят процессида ўзаро тортишув принципини амалга оширишга тўсқинлик қиларди. Зеро, ўзаро тортишув принципига кўра, суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди.

Мазкур янги қонун билан киритилган ўзгартишга кўра, судда жиноят иши кўрилаётганда айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти прокурорга юклатилганлиги ҳам айнан суд процессида тортишувни янада кучайтиришга қаратилгандир. Зеро, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ўзаро тортишув, баҳс-мунозаралар ишни кўришда ҳақиқатни аниқлашга, пировардида инсон тақдири юзасидан суд томонидан адолатли қарор қабул қилишнинг етакчи омилларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигини кузатадиган бўлсак, Украина Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 297-моддаси ҳамда Озарбайжон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 324-моддасида айблов хулосаси прокурор (давлат айбловчиси) томонидан эълон қилиниши ва айблов хулосасининг резолютив қисми прокурор томонидан ўқиб эшиттирилиши билан бошланиши белгиланган.

Ушбу янги қонун билан Жиноят-процессуал кодексида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норманинг белгиланганлиги:

биринчидан, Конституция ва қонунларда белгиланган суднинг мустақиллигини, ишни кўришда холислиги ва адолатли қарор қабул қилишини, пировардида одил судлов тамойилларини янада ривожланишини;

иккинчидан, жиноят процессида муҳим аҳамиятга эга ўзаро тортишув принципини амалда, яъни суд тергови вақтида тортишув айнан айблов томонда турувчи прокурор билан ҳимоя томонда турувчи адвокат ўртасида бошланишини;

учинчидан, Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасида белгиланган судда кўрилаётганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас, деган қоиданинг тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши суднинг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини янада кучайтиришга, пировардида ижтимоий ҳаётимизда одил судлов тамойилларининг янада тўлароқ намоён бўлишини таъминлайди. Зеро, ҳар бир демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчиси, юридик фанлар номзоди

Islohot va samara

Суд буйруғи институти

амалда кутилган самарани бермоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кейинчалик агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса ҳам суд буйруғи чиқариш имконияти қонунчиликда акс эттирилди. Чунки фойдаланилган коммунал хизмат ҳақини ундириш билан боғлиқ ишлар низосиз бўлиб, ушбу тоифадаги талаблар юзасидан суд буйруғи чиқариш бирон-бир тарафнинг манфаатига зид келмайди, аксинча, талабни қисқа муддатларда ҳал этиш имкониятини яратади.

Шунингдек, ходимнинг ҳисобланган, лекин тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса ҳам суд буйруғи чиқарилиши белгиланди.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, ундирув суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Айтиш жоизки, суд буйруғи судья томонидан имзолангач, унинг нусхаси дарҳол қарздорга юборилади. Қарздор уни олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида арз қилинган талабга қарши эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли.

Фуқаролик процессуал кодексининг 238[10]-моддасига кўра, агар белгиланган муддатда қарздор томонидан арз қилинган талабга қарши эътирозлар тушса, судья ажрим билан суд буйруғини бекор қилади.

Агар белгиланган муддатда қарздордан судга эътироз тушмаса, судья суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғини ижро этишга тақдим қилиш учун ундирувчига беради ёки ундирувчининг илтимосига кўра, бевосита ижро этиш учун юборади.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, ундирувчи Марҳабо Акбаралиева судга ариза билан мурожаат қилиб, қарздор Дилшодбек Умаровдан вояга етмаган бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқариб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг буйруғига кўра, қарздордан ундирувчи фойдасига 2010 йил 1 сентябрь куни туғилган Аброрбек исмли фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа турдаги барча даромадларининг 1/4 қисми миқдорида 2012 йил 2 февралдан бошлаб фарзанди вояга етгунига қадар алимент ундириш белгиланган.

Шунингдек, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси Шерзод Соиповнинг манфаатини кўзлаб, судга ариза билан мурожаат қилган. Унда Гулистон шаҳар «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш корхонасидан иш ҳақини ундириш ҳақида суд буйруғи чиқариш сўралган.

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг буйруғига кўра, қарздордан Ш.Соипов фойдасига 235 минг 498 сўм иш ҳақи ундирилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролик қонунчилигига киритилган суд буйруғи институти амалда фуқароларнинг низосиз бўлган муносабатларини ўз вақтида, ортиқча сансалорликсиз ҳал этишга, муҳими, ортиқча ҳаражатларнинг камайишига хизмат қилмоқда.

Муҳаббат РАБИЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг судьяси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, вояга етмаганлар ҳам қонун бўйича ворислар тоифасига кирадими?

Э.ЁҚУБОВ,
Ангор тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига мувофиқ, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан сўнг тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлиши мумкин. Меҳнатга қобилиятсиз, бир йил давомида мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган боқимлари — 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар ва 18 ёшга тўлмаган ўқувчи болалар ҳам қонун бўйича ворислар тоифасига киради.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Saboq

Маънавий зарар

уни қоплашга оид меъёрлар қонунларимизда аниқ белгилаб қўйилган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Йўқотилган иш ҳақини (даромадларни) аниқлашда жабрланувчига майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача шикаст етиши сабабли тайинланган ногиронлик пенсияси, шунингдек, соғлиғига зарар етказилмасдан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарни қоплаш миқдорини камайтиришга сабаб бўлмайди.

Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор берсак, У.Маматов ўзининг бошқарувида бўлган «ГАЗ-53» автомашинасини бошқариб кетаётиб, М.Неъматуллаевнинг бошқарувидаги «ДАМАС» русумли автомашинани уриб юборади. Ушбу автоҳалокат натижасида М.Неъматуллаев ўртача даражада тан жароҳати олади ва касалхонага ётқизилади.

Бу вақт ичида У.Маматов М.Неъматуллаевнинг ҳолидан хабар олмай, унга етказилган зарарни қоплашдан бош тортади. Натижада М.Неъматуллаев бузилган ҳуқуқини тиклаш ва зарарни ундиришни сўраб фуқаролик судига даъво ариза билан мурожаат қилади. Суд даъво аризани кўриб чиқиб, М.Неъматуллаев томонидан судга тақдим қилинган тиббий ва бошқа маълумотларни, ҳужжатларни ҳисобга олиб, унинг фойдасига жавобгардан етказилган моддий ва маънавий зарар учун 1.403.366 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар нафақат қонунларга бўйсунишга, балки ўзгаларнинг қонун билан ҳимояланадиган манфаатларига путур етказмаслиги учун масъулдир. Кутилмаган сабаблар туфайли бу ҳол рўй берса, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш ҳар бир фуқаронинг бурчи саналади. Бундан бўйин товламаслик, айниқса, энг бебаҳо бойлик — соғлиққа путур етказилганда ёрдамга муҳтож инсонни ташлаб қўймаслик нафақат бурч, юксак инсонпарварлик ҳам саналади. Буни доимо ёдда тутайлик.

Ойбек ҲАСАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўрғон туманлараро судининг раиси

манфаати — устувор

ушбу тамойил суд-ҳуқуқ идоралари томонидан тўлиқ таъминланмоқда

Хуллас, сир очилгач, З.Ҳакимова жиноий жазога тортилиб, унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди томонидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «б», «в» бандлари, 28, 211-моддаси 2-қисми «а» банди билан 59 — 60-моддалари тартибида муайян муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ва 6 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Айтиш керакки, фан-техника тараққий этгани сари фирибгарлик жиноятини содир этиш усуллари ҳам мураккаблашиб бормоқда. Мисол учун жиноят ишлари бўйича Косонсой туманлараро судининг 2011 йил 12 декабрдаги ҳукмига кўра, Асрор Ботиров 2010 — 2011 йилларда Ғ.Дадабоев, К.Маматқулов, Ф.Мамасодиқов, М.Абдурашидов ва бошқа фуқароларга пластик карточкалардаги маблағни нақдлаштириб беришни ваъда қилиб, уларнинг ишончини суиистеъмол қилади ва жами 20.687.000 сўмни фирибгарлик йўли билан қўлга киритади. Суд томонидан А. Ботировга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Маълумки, тергов идоралари ва судлар фаолиятида фирибгарлик жиноятининг объектив ва субъектив томонига баҳо бериш, фирибгарлик жиноятини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармасликдан фарқлаш, қилмишни квалификация қилишда хато ва камчиликларга йўл қўймаслик, мазкур тоифадаги ишларни кўришда бир хил амалиётни шакллантириш мақсадида Олий суд Пленуми томонидан 2009 йил 24 июлда **«Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарор қабул қилинди.

Мазкур Пленум қарорида юқори инстанция судлари зиммасига фирибгарликка оид ишлар бўйича биринчи инстанция судлари чиқарган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назоратни таъминлаш, йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш вазифалари юклатилган. Ушбу раҳбарий кўрсатмаларга амал қилган ҳолда биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида бартараф этилиб, иш бўйича асосли, қонуний ва адолатли суд қарорлари қабул қилиниши таъминланмоқда.

Ҳа, ҳаётда ҳеч бир жиноят жазоси қолмайди. Шу маънода ўзгаларнинг ишончини поймол қилишдек эгри мақсаддаги фирибгар кимсалар ҳам охир-оқибат айбларига яраша жазо олиши шубҳасиз. Аммо масаланинг кишини ўйлантирадиган бошқа жиҳати ҳам бор. Гап шундаки, фирибгарлик жиноятига айрим ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам имконият яратиб беряптилар. Юқорида келтирилган мисолларда ҳам жабрланувчилар қонуний, бехатар йўл тургани ҳолда фирибгар кимсаларнинг йўриғига юриб, «чув» тушиб қолишган. Шундай экан, доимо ҳушёр, огоҳ бўлсак, ҳар бир ишда етти ўлчаб бир кессак, хотиржам, осойишта ҳаёт кечирамиз.

Нодира БОБОХОНОВА,
жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

Jinoyat va jazo

Манзилига етмаган омонат

Суд очерки

Сурайё (исм-фамилиялар ўзгартирилди) самарқандлик таниши Шомурод Сайфиевга 5250 АҚШ доллари етказиб бериши зарур бўлиб қолди. У Бухоро шаҳар автошоҳбекатига келиб, ҳамкасби Хотамнинг таниши Наби акага учрашди. Бекатда мижоз кутиб турган Сурайёнинг илтимосини қабул қилиб, олдиндан хизмат ҳақини олди ва омонатни олиб қолди. Сурайё ўша куни кўнгли хотиржам тортиб уйига қайтди. Бироқ кечга томон Наби ака Сурайёга қўнғироқ қилиб, «Такси ҳайдовчиси Отажон Арзиевга омонатингизни бердим, у мендан аввал йўлга чиқяпти» деб қолди. Сурайёга эса, бунинг фарқи йўқ, муҳими, омонат эгасининг қўлига етиб борса, бўлди. Уни Наби ака олиб борди нима-ю, Отажон Арзиев олиб борди нима?!

Аслида ўзининг шахсий «Нексия» русумли автомашинасида киракашлик қилаётган Отажон Арзиевнинг қўлида Сурайёнинг омонатидан бошқа яна бир кишининг омонати бор эди. Аниқроқ айтганда, Вобкентлик таниши Улуғбек Қаршибоев Тошкент шаҳрида яшовчи Бурҳон Аминовга етказиш учун 7 миллион 300 минг сўмни санаб берган эди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

Донолар дейдиларки

Кучли одамлар ҳамиша оддийдирлар.

* * *

Гўзал хулқ бировга азият етказмаслик, ғазабни сўндириш, ўзни хотиржам тутиш ва ширинсўз бўлишдир.

* * *

Ҳазилни туз каби меъёрида ишлатган маъқул.

* * *

Ҳеч нарса ягона мақсадга қаратилган фаолиятдек ҳаётга завқ бағишлай олмайди.

* * *

Кишида ақл камлигининг белгиси ўзига тегишли бўлмаган гапга аралашишида кўринади.

* * *

Эски ёмонликларни янги яхшиликлар билан ювишга шошилиш керак.

* * *

Ҳамроҳини мушкул дамда ташлаб кетган одам ҳеч ерда ҳаловат тополмайди.

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Озодалик — оила кўрки

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оилаларга муносиб турмуш шароити яратиш, айниқса, хотин-қизларнинг маиший шароитини янада яхшилаш, уй-рўзғор меҳнатини енгиллаштириш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилаётгани самарасида замонавий маиший кимё воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам тобора кўпаймоқда.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги «Rainbow cosmetics» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларининг хилма-хиллигидан кўз қамашади. Турфа идишлардаги шампунлар, кукун ва геллардан муаттар бўй таралади. Улар ёрдамида тозаланган буюмлардан ҳам худди шундай нафис ифор келиши, ҳар бир хонадонга софлик ва мусаффолик улашиши шубҳасиз.

Бундан беш йил муқаддам фаолият бошлаган корхонада дастлаб уч-тўрт хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугун бу кўрсаткич саксондан ошади. Биргина тозалаш воситаларининг ўн икки тури бор. Ишлаб чиқаришда асосан ўзимизнинг хомашёдан фойдаланилаётгани маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини бераётир. Айниқса, «As» ва «Economik» номли қуюқ ва суюқ тозалаш воситаларига бозорда талаб юқори.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада 60 нафар киши доимий иш билан таъминланган. Ҳар бир тайёр маҳсулот аввал корхонанинг ўзида, сўнгра «Ўзстандарт» агентлигининг синов лабораторияларида текширилади. Барча босқичлар муваффақиятли якунлангач, унга мувофиқлик сертификати ва гувоҳнома берилади.

Фаолият бошлаганига энди



икки йил бўладиган «Max cleaner lux» корхонаси ҳам ўзининг доимий мижозларини топиб улгурди.

— Кейинги йилларда бозорларимизда маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маиший кимё воситаларининг улуши қарийб етмиш фоизга етди, — дейди пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган ушбу корхона менежери Евгений Воинов. — Бундай рақобат муҳитида бозордан ўрин эгаллаш осон эмас. Кимё саноати ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқаришга илғор технологияларни татбиқ этганимиз, қолаверса, давлатимиз томонидан тадбиркорликнинг изчил қўллаб-қувватланаётгани самарасида қисқа вақтда савдо белгимиз халқимиз эътиборига тушди.

— Оилада тозалик ва озодликни сақлаш аввало аёл кишининг иши, — дейди тошкентлик Маҳбуба Аъзамова. — Хонадонларимиздаги чинни ва сирли идишлар, газ плитаси, ванна ва чиғаноқлар, кафеллар ўз вақтида тозаланмаса, уйдаги санитария-гигиена муҳити ёмонлашади. Бу турли юқумли касалликларга ҳам сабаб бўлади. Шу боис мен рўзғор анжомларини тозалашда маиший кимё воситаларидан кенг фойдаланаман. Улар доғларни тез кетказиш билан бирга, зарарли микроблардан тозалаш хусусиятига ҳам эга.

Ҳа, тозалаш воситалари бугун уй бекаларининг кўмакчисига айланган. 2012-2014 йилларга мўлжалланган маҳаллийлаштириш давлат дастурида хотин-қизларимизга янада кенг қулайлик яратиш мақсадида бундай воситаларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Ҳозирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, молия ва ишлаб чиқариш муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар бу йўналишда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан хориждаги етакчи корхоналар билан ҳамкорликда янги қувватларни барпо этиш, маиший кимё воситалари ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш юзасидан тизимли иш олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, оила юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опасингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилгандир.

Баҳор ХИДИРОВА

Jinoyat va jazo

Манзилига етмаган омонат

Суд очерки

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Қисқаси, Отажон бекатда мижоз кутиб турган пайтда икки киши келиб Тошкентга элтиб қўйишни илтимос қилишади ва эвазига 170 минг сўм беришни айтишади. Фақат улардан бири Самарқанд шаҳридан хотини ва боласини олиб кетишини айтади. Шу боис Отажон Сурайёнинг омонатини ҳам Самарқандда эгасига бериб кетиш учун Наби акадан қабул қилиб олади.

Тахминан соат ўн саккизу ўттизларда Бухородан йўлга чиққан машина Самарқанд томон йўл олади. Отажон йўлда зерикмаслик учун йўловчилар билан суҳбатлашиб кетади. Олдинги ўриндиқда ўтирган киши ўзини Фарҳод, орқада ўтирган шеригини эса, Руслан деб таништиради. Фарҳоднинг айтишича, ўзи спортнинг футбол, Руслан эса каратэ тури билан шуғулланармиш.

Йўлда кетишаётганда Отажоннинг қўл телефонига омонатнинг эгаси Ш.Сайфиев бир неча марта қўнғироқ қилиб, Самарқанд шаҳрига яқинлашиб қолганқолмаганини сўрайди. Табиийки, йўловчилар ҳайдовчи «почта», яъни катта миқдорда пул олиб кетаётганини сезмай қолишмайди. Машина Самарқанд шаҳрига яқинлашганда орқа ўриндиқда ўтирган Руслан «Темирйўл» вокзали томонга ҳайдашни, хотини билан боласи кутиб турганини айтади. Бу пайтда соат тахминан йигирма иккилар эди. Қоронғу кўчалардан бирига киришганида йўловчилар негадир машинани тўхтатишни буюришади. Машина тўхташи билан Руслан кутилмаганда Отажоннинг бўйнига пичоқ тираб, қимир этсанг, ўлдираман, дея таҳдид қилади. Аммо Отажон бундан ҳайиқмай унинг қўлидаги пичоқни тортиб олмоқчи бўлади. Шу пайт пичоқ унинг чап қўлининг бармоғини кесиб кетади. Шундан сўнг Руслан унинг кўксига пичоқ тирайди, Фарҳод эса, юзига аёвсиз мушт туширади.

Шундан сўнг Фарҳод Отажоннинг чўнтакларини ковлаштириб, С.Халилова Тошкентга етказиш учун берган 5250 АҚШ долларини, О.Аризевга тегишли баҳоси 160 минг сўмлик телефон аппаратини олади. Талончилар бу билан кифояланмай машина юкхонасини очишади. Улар қутидаги 7 миллион 300 минг сўмни ўмаргач, машина калитини йўл четига отиб юборишади.

— Шу ерда қимир этмай ўтирасан, — дейди Фарҳод Отажонга. — Агар «ғинг» этиб, овозингни чиқарсанг, ҳаётдан умидингни узавер...

Аслида ўзларини Фарҳод ва Руслан деб таништирган бу кимсалар футболчи ҳам, каратэчи ҳам эмас, балки бирон-бир жойда ёлчитиб ишламаган, текин бойлик илинжида дайдиб юрган Козим Наимов билан Жамшид Зиёев эди. Қадам товуши узоқлашгач, Отажон машинадан чиқиб, қоронғида машинанинг калитини қидиришга тушди. Бу пайтда босқинчилар бошқа бир енгил машинада ўзлари истиқомат қиладиган Оқдарё туманига кетиб боришаётганди.

* * *

Соат йигирма учларда Бухоро шаҳрида яшовчи Бекмирза Қиёмовнинг қўл телефони тўсатдан жиринглаб қолди. Унга бир неча соат бурун шериги Козим билан Бухородан Самарқандга жўнаб кетган Жамшид қўнғироқ қилаётган эди.

— Бекмирза ака, — деди саломаликни унутиб Жамшид, — агар иложини топсангиз, ҳозир Самарқандга етиб келинг. Хурсанд бўласиз.

Бекмирза кечқурун спиртли ичимлик ичгани учун таниши Мансурдан «Нексия»да Самарқандга олиб бориб келишни илтимос қиларкан, хизмати учун қуруқ қўймаслигини айтади.

Хуллас, ўша тун Бекмирза билан Мансур қайдасан Самарқандга томон йўл олишади.

Тун ярмидан оққанда Самарқанд шаҳри билан Оқдарё тумани оралиғидаги Қорадарё кўприги устида Жамшид билан Козим Бекмирзани кутиб олишди.

— Биз бир ҳайдовчининг пулларини тортиб олдик, — деди Жамшид. — Машинасида тўрт миллион сўм бор экан.

У негадир ўғирланган пулнинг миқдорини камайтириб айтаётган эди.

— Ҳайдовчининг ўзи тирикми? — сўрайди Бекмирза.

Жамшид бу саволга тузук-қуруқ жавоб бермади. Аммо сумкадан бир даста пулни чиқариб, «Бу пуллар Бухорода бизга қилган харажатларингизни қоплайди», — дея Бекмирзага узатади.

Қисқаси, ўша тунда Бекмирза пулни олиб ортига қайтди. Уйга келиб пулни санаб кўрса, бир миллион сўм экан.

Шу ўринда ўқувчининг кўнглида табиий савол туғилади: хўш, Козим билан Жамшид Бухорога қандай мақсадда боришган эди? Бекмирза нега улар учун харажатга тушди? Умуман айтганда, уларни бир-бирига нима боғлаб турибди?

Воқеа тафсилотларини чуқурроқ англаш учун Жамшид билан Бекмирза ўртасида бир неча ой бурун пайдо бўлган ўзаро яқинликка тўхталиб ўтиш жоиз.

Бандалик экан, Бекмирзанинг онаси вақти-соати етиб қазо қилди. Одатда, марҳумлар ҳақида ёмон гап айтилмайди. Лекин тил суяксиз-да, аммаси Бекмирзанинг марҳум онаси ҳақида бир-икки жойда қалтисроқ гап қилган. Бу Бекмирзанинг қулоғига етиб келганди. Шу боис унинг кўнглида адоват уйғониб, Бекмирза Нозима аммасидан ўч олиш пайида юрганди.

Шундай кунларнинг бирида Бекмирза Тошкентга борганида Жамшид Зиёев билан танишиб қолади. Улар спиртли ичимлик истеъмол қилиб, бир зумда апоқ-чапоқ бўлиб кетишади. Шунда Бекмирза Жамшидга «дарди»ни ёради.

— Мен сизга ёрдам бераман, — дейди Жамшид.

Шу тариқа улар телефон рақамларини бир-бирларига бериб, ўз йўлларига равона бўлишади. Фақат орадан икки ойча вақт ўтгач, Жамшид Бекмирзага қўнғироқ қилиб, дўсти билан Бухорога бораётганини айтади.

Бекмирза уларни кутиб олиб, зиёфат қилади. Эртаси эрталаб у Козим билан Жамшидни Нозима аммаси яшайдиган кўчага бошлаб боради ва унинг уйини кўрсатади. «Аммам тилло тақинчоқлар билан савдо қилади, — дейди у. — Ҳар куни эрталаб соат тўққизларда заргарлик маҳсулотлари солинган сумкасини кўтариб уйидан чиқади. Айни шу пайтда унинг сумкасини тортиб олиш керак».

Қисқаси, шундан сўнг Козим билан Жамшид бир неча кун Нозима опанинг уйи атрофида ўралишиб юришади. Бахтга қарши Нозима опани ёлғиз учратишнинг иложи бўлмайди. Охири Жамшид билан Козим қўлларидан ҳеч нарса келмаслигига кўзлари етгач, изларига қайтишди. Бекмирза эса, уларни қабиҳ ишга ёллагани учун анчагина пул сарфлаган, «иш» битмагач, сарфлаган пулини қайтариб беришни талаб қилади. Ҳайдовчи О.Арзиевдан босқинчилик йўли билан олган пуллардан бир миллион сўмини Бекмирзага берганликларининг ҳам сабаби шу эди.

Ҳаётда бирон-бир жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Козим Наимов, Жамшид Зиёев ва Бекмирза Қиёмов ҳам Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ва уларга қилмишларига яраша қонуний жазо тайинланди.

Юқорида баён этилган воқеа ҳар кишини фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди.

Хўш, Козим ва Жамшид нега бундай қабиҳ ишга қўл уришди? Бунинг сабаблари нима билан изоҳланади?

Агар эътибор берган бўлсангиз, Жамшид ҳам, Козим ҳам бирон-бир жойда ишлашмаган. Аниқроқ айтганда, пешона терини тўкиб, ҳалол меҳнат қилишга уларнинг бўйни ёр бермайди.

Айтиш керакки, ана шундай бекорчилик, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юриш истаги, текинтомоқлик уларни эгри йўлга бошлаган.

Бироқ ҳаётнинг ўзгармайдиган адолатли қонуниятлари бор. Яъни инсонни фақат ҳалол меҳнати, эзгу ва савоб ишлари улуғлайди, унга обрў-эътибор олиб келади. Ёмонлик, қинғир қилмиш эса, ҳеч қачон изсиз кетмайди, охир-оқибат кишини бадном этади.

Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Тўлқинжон ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Ҳа, табиатда шундай ҳодисалар ҳам учраб туради: уч карра туғилган жонзот бу, оғирлиги нақ 2 тонна келадиган зубр бўлади. Аслида зубрларнинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Зубрлар ҳатто илк ибтидоий одамлар билан ҳам бевосита «таниш» бўлиб, ҳозиргача яшаб қолишга муваффақ бўлган ноёб жонзотлар турига киради.

Sirli dunyo

Биз билган ва билмаган дунё

УЧ КАРРА ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ЖОНИВОР

Аслида эса, динозаврлар каби буткул қирилиб, сўнг қайта кўпайиб, ўз наслини янги даврдан бошлаган бу жонзотлар фақат орадан неча минг йилликлар ўтгачгина, машҳур швед табиатшуноси Карл Линней 1758 йилда ер юзидаги мавжуд ҳайвонларнинг қисқача рўйхатини тузиб, зубрни ҳам лотинчасига «бизон боназус» номи билан рўйхатга киритгач, ўз «исми»га эга бўлади. Бу ном ҳозирга қадар зоология фанида мавжуд.

Номи зоологияда илмий атама сифатида қайд этила бошлаган пайтларда ҳам бу жониворлар Европанинг кўпгина мамлакатларининг ўрмону даштларида пода-пода бўлиб бемалол юришган. Аммо одамлар уларни гўшти учун таъқиб қилишарди. Кўпчилик уларнинг сифатли териси учун қўлга киритиш пайида бўларди. Баъзи бир бойваччалар бу йирик жуссали ҳайвонни шунчаки кўнгилхушлик учун овлашар эди.

Оқибатда Болтиқбўйида 1755 йил, Руминияда 1762 йил, Германияда эса 1793 йилда энг сўнгги зубр қирилиб кетади. Голландия, Бельгия, Швеция, Франция ва Чехияда эса, улардан ном-нишон қолмаганди.

Ўн еттинчи асрларга келиб зубрларнинг сийрак подалари Украинанинг ўрмон ва ўрмон–даштларида баъзан кўзга ташланиб турса-да, уларга қарши инсоннинг таъқиби сира тўхтамасди. Оқибатда, ўн тўққизинчи асрнинг охирига келиб зубрлар ўта кам миқдорда Беловежск, Кавказ ва Кубань дарёси юқори қисмида сақланиб қолади. Аммо бу ҳолат ҳам овчилару таъқибчиларнинг йўлдан қайтара олмайди.

Натижада 1919 йили Беловежск, 1927 йили эса, Кубань дарёси қирғоқлари энг сўнггги зубри билан видолашади. Одамзот боласи улкан, гўзал, қудратли бу ўрмон жонзотининг ер фаунаси учун нақадар муҳим эканлигини англаб етганда эса, кеч бўлганди. Бунгача зубр дунёдан тамоман йўқолиб кетган, яъни иккинчи карра қирилиб тугаганди.

Аммо кутилмаганда бир мўъжиза рўй бериб, зубр қайта дунёга келади. Аниқроғи, ноёб жониворларни асраш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ зубрлар тур сифатида батамом йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолинади.

Польшалик олимлар бу жонзотнинг бир нечтаси ҳайвонот боғлари ва Европанинг айрим қўриқхоналарида сақланиб қолганидан хабар топишади. Ўша пайтда ҳайвонот боғида омон қолган зубрлар сони ер юзи бўйича бор-йўғи 45 тани ташкил этарди. Шундай бир вазиятда зубрларни табиий шароитда кўпайтириш ғояси туғилади. Польшалик олимлар ташаббуси билан 1923 йилда Зубрларни ҳимоя қилиш халқаро жамияти ташкил этилади. Бу жамиятнинг олдида омон қолган ҳар бир зубрни текширувдан ўтказиш, унинг соғлигини назорат қилиш, наслининг қай даражада тозалигини аниқлаш, зубрнинг қаердан, қачон келтирилгани ҳақидаги ҳужжатлар йиғиш каби вазифаларни амалга ошириш турарди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида «Зубрларнинг наслий китоби» яратилади. Биргина ҳужжатлаштириш ишларининг ўзига олти йил вақт сарфланади. Шундан сўнг янги туғилган (учинчи карра) зубрчалар пайдо бўлади. Тажриба эндигина муваффақиятли амалга оша бошлаган, зубрлар подаси кенгаяётган бир пайтда эса, иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолади. Уруш ва қирғинбарот ўчоқларидан бири бўлган Беловежскда 1944 йилда бор-йўғи 17 тагина зубрни топиш имкони бўлади.

1946 йилда зубрларни қутқариш ишлари яна қайта жонланади.

1981 йилга келиб бутун ер юзидаги тоза наслли зубрлар сони 2000 тага етади.

Ҳозирги кунда бу виқорли жонзот анчагина кўпайиб қолганига қарамай, барибир ер юзидаги энг камёб ҳайвон турларидан бири ҳисобланади.

Зубрлар ўта вазмин, оғиркарвон жонивор бўлиб кўринса-да, жуда тез югуради ва 2 метр баланликкача бўлган тўсиқлардан бемалол сакраб ўта олади. Ҳайвонот боғлари ва қўриқхоналарда сақланаётган зубрлар насл бераётгани ҳам уларнинг нақадар яшовчанлигини исботлайди. Эндигина дунёга келган зубрчанинг оғирлиги 20-22 килограммни ташкил этади. Дунёга келиб, териси қуриб улгурмасиданоқ бу митти паҳлавонлар дарҳол мустақил равишда оёққа туриб, атрофга кўз югуртирганча дунёни ўргана бошлайди, бир соатга қолмай онаси етовида бемалол ўрмон бўйлаб саёҳатини бошлайди. Янги туғилган митти зубрчалар орқа оёқлари билан сакраб тепишу, думларини тиккайтириш ва овоз беришни ҳам яхшигина эплай олишади.

Она зубр ўз боласини одатда 5-6 ойгача эмизади. Болачалар бир ёшдаёқ онасининг изидан қолмай юради. Икки ойлик бўлган зубрчалар эса, бемалол ўт-ўлан, хас-хашаклар билан озиқланади.

Бугунги кунга келиб бекиёс гўзаллик, куч ва виқор ила ерни гурсиллатиб юрган ва пайдо бўлганидан буён учинчи умрини кечираётган зубрлар нафақат табиат қудратининг бир тимсоли, балки инсоннинг йўқолиб кетаётган жонзотларни асраб қолишдаги тинимсиз курашининг рамзи сифатида ҳам намоён бўлади.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚУЗИЕВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси меҳнат фахрийси

Валентина ВАСИНАнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси ҳуқуқшунос

Масардин ҲАСАНОВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-916. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7754.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰